

**(«КИМОРБОЗЛАР ХАЁТИ», «ХИЁНАТКОРЛАР ЖАЗОСИ», «ЭР-ХОТИН», «АРШИН
МОЛОЛОН»)** **УМУМИЙ КАРАШ**

Ўрток Уйгур Бухородан келгандан бери сахнамиз жонлана бошлади. Шу бир-икки хафта ичида яна бурунги каби камчиликлар, каргиш ва лаънатлар билан бўлса-да, бир неча томоша кўрдик.

Матбуотимизда исми кўрунуб келатургон «С» (Санжар) ўрток томонидан таржима килингон «Киморбозлар хаёти» — Оврупо киморбозлигининг кўркунч ёқларини яхши кўрсатадир. Бунда киморбозликнинг кайнагон жойи, киморбозларнинг иш устидаги «фаолиятлари» кўрунмайдир. Бунда бу ёмон одатнинг оилага килгон таъсири кўбрак кўрсатиладир. Таржима текисгина чиккон. Гудур-будурлик кўб сезилмади. Факат бунда ўйнагучи артистларимиз (Аброр, Сайфи кори, Зиё Саид, Шокирлар) нимагадир хийла ёт ва бегона бўлуб ўйнадилар. Самимийлик, рўлни англаб ўйнашлик, сахнада эркин бўлишлик — мана буларни кўра олмадик. Халк оз эди, кирим ёмон бўлгон, эхтимолким шунинг учун артистларимиз «барибир» деб ўйнагон бўлсалар...

Давлат труппасининг бу «барибир» томошасидан сўнг Эски шаҳар ишчилар факультети талабаларининг бир «Томоша ва концерт кечаси»ни ҳам кўрдик. Томоша кисмида кўюлгон тўрт пардалик «Хиёнаткорлар жазоси» деган нарсани ёзиб ўлтириш ҳам вақт исроф килишдир. Баъзи бир пардаларнинг 3—5 минут кадар давом этишлари бунга катта гувоҳдир. Факат концерт кисмида миллий чолги мактабининг биринчи имтихонини кўрдикким, бу хийла умидликдир. Болаларнинг кўбайишиб айтган ашулалари заиф бўлса ҳам, бир боланинг ёлғиз ашуласи, бир йигит томонидан ёлғиз айтилган «Гулёр» яхши эди. Шу «Гулёр» айтган йигитда яхши кучлик товуш бор. Факат, ишланмаган.

Миллий чолги мактаби голибо 3-4 йилдан бери давом этадир. Факат сўнг чоккача унда муаллимлар ўрнига «тўнкалар» ўлтургони учун ҳеч самараси кўрулмаган. Яқинда ясалгон ислохот ва таълим ишига кўюлгон муктадир муаллимлар (Курбон ва Шожалиллар) мактабни умидли йўлга кўйгонлар.

Яна ҳам диққат, яна ҳам кўбрак аҳамият берилмаги керак.

Сахнамизда неча маротаба ўйналгон «Эр-хотун» ва «Аршин мололон» томошалари тўғрисида кайта-кайта ёзишни ортик топаман. Бу тўғрида шунигина айтаманким, бизнинг сахнамизнинг энг зўр камчилиги — драм ўйнагучиларнинг ўперада чиқишларидир. Мана бу камчилик ҳар икки томошада ҳам энг каттиг сезилди. Билмадим, қачон бизнинг сахнамиз ўперада бошқа, драмда бошқа ҳайъатга эга бўлур экан. Ҳар ҳолда, сўнги икки томоша сахнамизнинг яна жонланиб, тузалиб борганини кўрсатадир. Сахнамиз яна тирилмакчи. Халқ сахнада яна руҳига озик топа бошлади. Энди шу ҳаракатни тўқтатмай, оксатмай олиб бориш — (ҳар бир санъат — *Д.К.*) арбобининг вазифасидир.

Энди умумий суратда бир нарсани ёзиб ўтмакчи бўламан: умумий деганим сахна ва санъатимизнинг моддий жихатидир. Киш яқинлашиб, юпка кийимлар ярамай бошлагон бир вақтда ҳам халқимиз ўзи тубданда ўлгундек зах бўлгон ёзлик «Турон»да томоша кўрмакка мажбур. Кишлоқ «Турон» катъиян ярамайдир. ТошПО ўрни тилга ҳам олинмогон, янги бино эса маҳаллама-маҳалла кўчуб, ҳар кун бир камисия томонидан бир тўқтатилиб, бир руҳсат этилиб, сарсон ва саргардон бўлуб гурадир. Билмадим, бу иш жиддий бир йўлга тушарми, йўқми? Киш келганда кўчада қолгон сахнадан нима умид қилмоғ керак?

Бухородан чакиртириб олингунча минг ваъда, минг хил роҳат ва таъминотлар такдим қилинган Уйғур хануз турғали бир жой, баъзи тажрибалар учун икки газ ойнага эга бўлмаган. «Уйғурни Бухородан олиб келиш учун пул сарф қилиб Гози Юнус ўртоқни Бухорога юборган» Эски шаҳар ижрокўми унинг қўл остига келиб қирган санъаткорга жой топиб беролмайдир-да, «Шарқ» кутубхонасининг жойигача бир яқатчига ижарага кўядур. Санъатнинг киймати шу эса, ундай санъатдан умид узмасе керак эди!

Театр — санъат — «Туркистон» газетасининг 1922 нил 29 сентябрь сонида эълон қилинган.

«*Киморбозлар ҳаёти*» — француз драматурги Виктор Дюканж (1783—1833) каламига мансуб асар. Аслида «Ўттиз йил ёки киморбознинг ҳаёти» деб номланувчи бу асар 1828 йилда ёзилган.

«*Хиёнаткорлар жазоси*» — бу ўринда қайси асар назарда тутилаётганини аниқлашга муваффақ бўлмадик. Тахминимизча, гап Хамзанинг «Тухматчилар жазоси» пьесаси ҳақида бормокда.

«*Эр ва хотин*», «*Аршин мололон*» — Озарбойжон композитори ва драматурги Узеир Хожибеков (1885—1948) асарлари. Булардан кейингиси айниқса катта шухрат топган.

Зиё Саид — таҳаллуси, ҳақиқий исм-шарифи Косим Солихов (1901—1938), ўзбек драматурги, журналист ва танқидчи.